Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№26 (1460) 2023 YIL 13-IYUL

t.me\o'zbekistondasog'liqnisaqlash

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN



## 2023 ЙИЛ– ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

## САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ–ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 87,05 ФОИЗ ОВОЗ ТЎПЛАДИ

*Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низомхўжаев иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*




**Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро ва миллий сайлов мезонлари асосида, кўтаринки руҳда ўтказилгани қайд этилди. Шунингдек, мамлакатимиз тарихида илк маротаба муддатидан илгари ташкил этилган сайловда фуқаролар фаол иштирок этгани, сайлов янгиланган Конституция нормалари асосида ўтказилгани қайд этилди.**

Матбуот анжуманида сиёсий тадбирни 15 та халқаро ташкилот, 47 та хорижий давлатдан ташриф буюрган жами саккиз юз нафарга яқин халқаро кузатувчи бевосита кузатиб боргани, шунингдек, сайловни жами 1 минг 400 нафар маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритиб боргани таъкидланди. Сайловда ЎзЛиДеПдан номзод Шавкат Мирзиёев 87,05 фоиз овоз тўплади

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида жами сайловчиларнинг 15 миллион 651 минг 405 нафари ёки 79,88 фоизи овоз беришда иштирок этди.

Дастлабки натижаларга кўра, Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятов 629 минг 119 та ёки 4,02 фоизи, "Адолат" СДПдан номзод Робахон Маҳмудова 693 минг 634 та ёки 4,43 фоиз, ЎзЛиДеПдан номзод Шавкат Мирзиёев 13 миллион 625 мингдан ортиқ ёки 87,05 фоиз, Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Абдушукур Ҳамзаев 3,74 фоиз овоз тўплади.

*Давоми 2- бетда►*

ҲАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ИЛҒОР УСУЛДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАР ЎТКАЗИЛДИ



**Шу йил 3-4 июнь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Россия халқаро соғлиқни сақлаш форумида тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш юзасидан қатор меморандумлар имзоланган эди.**

Орадан қисқа вақт ўтиб, эришилган ушбу келишувлар ўз амалий натижаларини бера бошлади. Хусусан, куни кеча Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида россиялик етакчи шифокорлар иштирокида **тизза бўғими артроскопияси бўйича юқори технологик операциялар** ва маҳорат дарслари ўтказилди. Меҳмон-



лар Москва шаҳридаги академик Н. Бурденко номидаги Бош марказий ҳарбий госпиталдан ташриф буюрди. Хусусан, муассасанинг йирик бўғимлар биологик ва хирургик реконструкция бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди Дарья Найда билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори **Муроджон Ирисметовнинг** қайд этишича, мениск – тизза бўғимида амортизатор ролини ўйнайдиган тоғай. Унинг қалинлиги атиги 3-4 мм. Шунга қарамай, ташқи таъсирларга жуда бардошли. Бироқ оғир юклама ва турли хасталиклар оқибатида ушбу қатламнинг жароҳатланиши, йиртилиши кузатилади. Россиялик ҳамкасбимиз билан ана шундай шикастланишларни илғор даволаш усуллари ва юқори технологик амалиётлар орқали бартараф этиш юзасидан тажриба алмашдик.

**@ssvuz**

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



**Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Германиянинг Маннхейм университети клиникаси ижрочи директори Фредди Бергманн бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказди.**

Мулоқот давомида тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, улар малакасини ошириш, ўзаро ҳамкорликда юқори технологик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ

## ЎЗАРО ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

**Шу йил май ойида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегациянинг АҚШга хизмат сафари доирасида Вебстер университети билан Америка стандартлари асосида тиббиёт ходимлари тайёрлаш бўйича меморандум имзоланган эди.**






Орадан кўп вақт ўтмай, Тошкент тиббиёт академиясига мазкур университет президенти Жулиан Шустер ташриф буюрди. Мулоқот якунида имзоланган икки томонлама ҳамкорлик шартномасига кўра, янги ўқув йилидан академияда "Олий ҳамширалик иши" ва "Тиббий биоинженерия" йўналишлари бўйича тўлиқ АҚШ таълим стандартлари асосида таҳсил бериш бошланадиган бўлди. Шунингдек, Жулиан Шустернинг Самарқандга ташрифи давомида Самарқанд давлат тиббиёт университети билан "Олий ҳамширалик иши" ва "Тиббий биология" йўналишлари бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилишига келишилди.

**@ssvuz**

№26 (1460)
2023 yil 13-iyul
O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

# ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ҚУТЛАДИ

←*Давоми. Боши 1-бетда*

**10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркманистон Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин билан** телефон орқали мулоқот қилди. Россия етакчиси давлатимиз раҳбарини сайловда қозонилган ишончли ғалаба билан дилдан қутлади. Алоҳида таъкидланганидек, овоз бериш натижалари Ўзбекистонда мамлакатни янада жадал ривожлантириш, унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсати халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор кўрсатди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Етакчилар ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, товар айирбошлаш суръатини давом эттириш ва саноат кооперацияси лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида тўхталдилар. Давлат раҳбарлари ишбилармонлар ва ҳудудлар даражасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, фаол гуманитар алмашинувни давом эттириш муҳимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Туркманистон Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимуҳамедов билан** телефон орқали мулоқот қилди. Суҳбат аввалида Туркманистон етакчиси давлатимиз раҳбарини муддатидан илгари ўтказилган Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий табриклаб, қардош Ўзбекистон халқига фаровонлик ва равнақ тилади. Ўзбекистон – Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари кейинги йилларда изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда амалий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Парламентлар ўртасидаги алоқалар ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон билан** телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Тожикистон раҳбари мамлакатимиз етакчисини куни кеча Ўзбекистонда бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев билан** телефон орқали мулоқот қилди. Қозоғистон раҳбари Ўзбекистон етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, унга янги муваффақиятлар, фаровонлик ва равнақ тилади. Ўзбекистон – Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ҳажми ошиб бормоқда, муҳим инвестициявий ва гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни янада илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров билан** телефон орқали мулоқот қилди. Қирғизистон етакчиси давлатимиз раҳбарини кеча бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклади. Қайд этилганидек, овоз бериш натижалари мамлакатимиз аҳолиси Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга қаратилган прагматик сиёсатга ишониши ва уни кенг қўллаб-қувватлашини яққол кўрсатди. Телефон мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Идоралараро мулоқотлар фаол кечаётгани, икки мамлакат ишбилармонлари ва ҳудудлари ўртасидаги алмашинувлар самарали бўлаётгани қайд этилди. Жорий йил 1 июнь кунидан Ўш шаҳрида Ўзбекистоннинг бош консуллиги ўз ишини бошлади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортиб бормоқда, автомобилсозлик, энергетика, электротехника ва тўқимачилик тармоқларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қўшма Инвестиция фондининг фаолияти йўлга қўйилди. Гуманитар соҳада икки мамлакат оқсоқоллари, зиёлилари ва ёшлари иштирокидаги Авлодлар мулоқоти доирасидаги тадбирларга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Туркманистон Президенти **Сердар Бердимуҳамедов билан** телефон орқали мулоқотида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Туркманистон Президенти давлатимиз раҳбарини




куни кеча бўлиб ўтган муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади. Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан ҳукуматлараро комиссияларнинг йиғилишлари, транспорт, энергетика ва маданият вазирларининг учрашувлари муваффақиятли ўтказилди. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръат билан ортиб бормоқда. Қардош халқларимизни яқинлаштиришга қаратилган муҳим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев билан** телефон орқали мулоқотида кўп қиррали муносабатларни янада кенгайтириш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш масалалари муҳокама қилинди. Озарбайжон раҳбари мамлакатимиз етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклаб, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади. Бўлажак олий даражадаги учрашувга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий кун тартибидаги масалаларни икки мамлакат ҳукуматлари даражасида пухта ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко билан** телефон орқали мулоқотида амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва фаол гуманитар алмашинувни давом эттириш масалалари кўриб чиқилди. Беларусь Президенти давлатимиз раҳбарини Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан самимий қутлаб, Ўзбекистонга катта муваффақиятлар ва равнақ тилади. Ўзаро савдо ҳажми ошиб, тиббиёт, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда амалга оширилаётган лойиҳалар сони кўпайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Жорий йилнинг апрель ойида Беларусда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди, май ойида Тошкент шаҳрида биргаликда суратга олинган кинофильм премьераси бўлиб ўтди. Икки мамлакат етакчилари томонидан Ўзбекистон – Беларусь ҳукуматлараро комиссияси ишини фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоған билан** телефон орқали мулоқотида олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг бўлажак йиғилишига биргаликда ҳар томонлама тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида сўз борди. Суҳбат аввалида Туркия Президенти давлатимиз раҳбарини муддатидан илгари Президент сайловида қозонган ишончли ғалабаси билан дилдан қутлади, сайловчиларнинг овоз беришдаги фаол иштирокини ҳамда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳоли томонидан кенг қўллаб-қувватланганини таъкидлади. Кейинги йилларда Ўзбекистон – Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** ва Эрон Ислом Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий** телефон орқали мулоқот қилдилар. Суҳбат аввалида Эрон раҳбари мамлакатимиз етакчисини куни кеча Ўзбекистонда ўтган муддатидан илгари Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади. Эрон Президенти ушбу мамлакатнинг Олий диний раҳбари оятуллоҳ Сайид Али Хоманеийнинг саломи ва табрикларини ҳам етказди. Жорий йилнинг июнь ойида Эронга расмий ташриф якунида эришилган олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Қабул қилинган “Йўл харитаси”га мувофиқ саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга оширишга киришилгани мамнуният билан қайд этилди. Фаол мулоқотларни, шу жумладан, икки мамлакат ишбилармон доиралари ва ҳудудлар маъмуриятлари даражасидаги алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Венгрия Бош вазири **Виктор Орбан билан** телефон орқали мулоқоти давомида фаол ва тизимли сиёсий алоқаларни давом эттириш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни жадаллаштириш, ишбилармонлик ва гуманитар ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда икки томонлама муносабатлар кун тартибидаги бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди. Венгрия Бош вазири мамлакатимиз етакчисини куни кеча бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловида қозонилган ишончли ғалаба билан самимий табриклаб, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади. Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Мунтазам сиёсий маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Жорий йилнинг март ойида Будапешт шаҳрида Ўзбекистон элчихонаси очилди. Ўзаро савдо ҳажми ошиб бормоқда. Банк-молия бозорига Европанинг етакчи «ОТР» банки кириб келди. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва бошқа устувор тармоқларда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Инвестициялар портфели жами 1,5 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** ва Қозоғистон Республикаси Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбоевнинг** телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Ўзбекистон раҳбарини куни кеча мамлакатимизда бўлиб ўтган муддатидан илгари Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев**нинг Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур Ол Наҳаён билан** телефон орқали мулоқотида кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантириш, Амирликларнинг етакчи компаниялари иштирокида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Шайх Мансур Ол Наҳаён Ўзбекистон раҳбарини бўлиб ўтган сайловдаги ишончли ғалабаси билан дилдан қутлаб, халқимизга фаровонлик ва равнақ тилади. БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённинг табриги ва энг эзгу тилакларини ҳам етказди. Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Товар айирбошлашнинг ўсиш суръати, қўшма корхоналар ҳамда икки мамлакат ўртасидаги авиақатновлар сони ортаётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда инвестиция лойиҳалари портфели 4 миллиард доллардан ошиб, "яшил энергетика", қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм инфратузилмаси ва бошқа йўналишларни қамраб олган. БАА томони Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга оширишда ҳам техник кўмак кўрсатиб келмоқда.

Суҳбат давомида олий даражадаги фаол мулоқотни давом эттириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар ҳамкорликнинг йирик лойиҳаларини илгари суриш муҳим экани алоҳида таъкидланди.

**ЎзА.**

НУҚТАИ НАЗАР



***Аввало, айтиш жоизки, фалсафий мушоҳада қилиш учун ҳар қандай шахс мутахассислигидан қатъий назар эгаллаган мутахассислиги соҳаси бўйича етарли билим билан баробарида албатта мантиқий фикрлаш, тўғри мушоҳада қилиш қобилиятига ҳам эга бўлиши лозим. Шундагина қабул қилинган қарор тўғри бўлиши мумкин ва бу хусусият шу жумладан тиббиёт соҳаси ходимларигада ўта зарур ва тааллуқлидир.***

# МАНТИҚ
## ВА УНИНГ ТИББИЁТ СОҲАСИ УЧУН АҲАМИЯТИ

Шу нуқтаи назардан қаралса, мантиқ бу табиат ва инсонни билиш йўллари тўғрисидаги таълимотдир. Тиббиёт соҳаси мутахассиси инсонни табиатдан ташқари ҳолатда ўргана олмайди ва даволай ҳам олмайди. Тиббиёт соҳасига оид йўналиш бўйича Фан олами тарихидан маълумки, тиббиёт соҳасининг бутун жаҳон тан олган алломаларидан бири ҳисобланган Ибн Синонинг фалсафий қарашлари учта катта йўналишда метафизика, мантиқ ва физикада ўз аксини топган. Маълумки, метафизика – илоҳиёт, вужуд ва мавжудот дунёсининг бошланиши, тузилиши, таркиби ҳақидаги масалаларни ёритади. Физика – табиатшунослик масалалари, жисм, моддани ўрганиш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз ичига олади. Мантиқ – тўғри фикрлаш санъати, ақлий билиш шаклларини ўрганади. Ибн Сино мантиқни тўққиз қисмга бўлади. Мантиқ турли фикр юритишнинг, хатолардан сақланишнинг қоидаларини ўргатади, маълум билимлардан номаълум билимларга ўтиш ва аксинча йўлларини кўрсатади. Мантиқнинг фикрлашга муносабати грамматикасининг нутққа, шеър назариясининг шеъриятга бўлган муносабатига ўхшайди. Мантиқ илм-фан билан шуғулланувчи ҳар қандай инсон учун энг зарурий илмлардан биридир. Ибн Сино исботлашнинг мантиқан қатъийлигини ва ҳиссий билишдаги моҳиятни ўзи яшаб ўтган давр вазиятидан келиб чиқиб маъқуллайди. Аммо ташқи принципларни фақат бевосита биринчи ақл сифатида илоҳий ёритувчи шаклида қабул қилиш мумкин - деб ҳисоблайди.

Вақтлар давомида жаҳон илмий майдонида мантиқ фанида мантиқий семантиқа ва прагматика, модал ва мантиқнинг турли тизимлари фаол ишлаб чиқилганлиги бежизга эмас эди. Чунки ижтимоий ва технологик тараққиётнинг жадал ривожланиш суръати кун тартибига архаик, мифологик, пралогик (фикрлашда мантиқ қонунлари ёки қоидалари бузилганда кишини ихтиёрсиз равишда нотўғри хулосага олиб келадиган мантиқий хато), аффектив, образли, визуал, интуитив, креатив, онгсизлик ва бошқа тафаккурларни тадқиқ қилиш масаласини қўйди ва бу борада фан техника тараққиёти негизида жуда катта мантиқий фикрлашга йўналтирувчи ўзгаришлар талабини юзага келтирди ва келтирмоқда. Мантиқ ва унинг тиббиёт учун аҳамияти ва заруратлиги нимада деган масалага эътиборни қаратсак, мантиқ қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, тафаккур шакллари тузилиш ва тўғри фикрлашнинг қонунларини ўргатиши билан алоҳида эътиборга моликдир. Тафаккур шакли фикрларнинг маълум мазмунини ифодалаш мақсадида боғланиш ва тузилишидир. Миллий тиллар турли-туман бўсада, уларнинг тузилиш шаклида умумийлик бор. Ҳар қандай муҳокама фикр предметини кўрсатувчи субъект ва фикр предметининг белгисини ифодаловчи предикат орқалгина амалга ошиши мумкин. Мулоҳазанинг тузилиши “S – P” шаклида бўлади. Мантиқ фани ана шу тузилишнинг, фикрларнинг ўзаро боғланиш услубининг қонун – қоидаларини ўргатади. Мантиқий шакллар (тафаккур шакллари), уларнинг тузилиши эса хилма-хил бўлади. Муҳокамаларнинг мантиқий тўғрилиги фикрларининг муҳим, зарур боғланишларига (тафаккур қонунларига) амал қилиш билан боғлиқ. Акс ҳолда мантиқий хатога, нотўғри мулоҳозага йўл қўямиз. Ана шу қонунларни мантиқ фани ўргатади. Бу тиббиётда беморга қўйиладиган аниқ ташхисни қўйишда жуда ҳам муҳим асос ва омил бўлиб хизмат қилади. Мантиқ фани туфайли фикрлашимизнинг тузилиш шаклларини, қонун қоидаларини, усулларини ўрганамиз. Бу бизнинг фикрлаш маданиятимизнинг ўсишига ёрдам беради. Уларни билиш мулоҳазаларимизда ноаниқлик, ноизчиллик ва зиддият бўлмаслигига ёрдам беради. Ўзининг ва бошқаларнинг мулоҳазаларини мантиқан тўғри таҳлил қилаолмаслик илмни тўғри тушуниб олишга, тўғри амалий фаолиятга ҳалақит беради. Мулоҳазаларни тўғри ифодалаш, тўғри тушуниб олиш ва хатто фикрлашни ажратиш, фақат ва бевосита мулоқотлар учунгина зарур эмас. Илмий билимларни чуқур тизимли тушуниб олиш учун, фанларнинг ривожланиши учун ҳам мантиқ фани катта аҳамиятга эга. Фанлардаги турли тушунча, муҳокама, хулосалар мантиқий шакл тузилиши, қоидалари, тўғри фикрлаш қонунига мос бўлса муваффақиятли ривожланиши мумкин. Буни биз тиббиёт фани ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мисолида тушунтиришга қуйида бирмунча ҳаракат қиламиз. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тиббиёт ютуқларини кенг жорий қилишга, касалларга ташхис қўйишнинг сифатини яхшилашга боғлиқдир. Ташхиснинг сифати касалликларни билишнинг янги инструментал-техник ва бошқа методлари кашф қилиниши билангина белгиланмайди. Бунда шифокорнинг мантиқий фикрлаш лаёқати муҳим ўрин тутади. Ташхиснинг энг янги химик-биологик ва техникавий методлари қўлланилиши туфайли касаллик ҳақида маълумотлар миқдори ошмоқда, шифокорнинг фикрий фаолияти ва жараёни мураккаблашмоқда, шу жиҳатдан ташхиснинг тўғри, аниқ, мантиқан асосланган бўлиши ниҳоятда зарур. Бундай шароитда албатта қандай даволаш усулини қўллаш юқори самара беришига ишонч, қўйилган ташхиснинг қанчалик даражада аниқлиги боғлиқ бўлиб, тиббиёт ходимининг мантиқ фанини чуқур эгаллашни тиббиёт фани ва тиббий ҳизмат ривожи талаб қилмоқда. Элементар мантиқнинг тиббий ташхис учун катта аҳамиятини қадимги ва ҳозирги замоннинг кўзга кўринган тиббиёт намоёндалари қайта-қайта таъкидлашган. Гиппократ ҳодисалардан методик йўл билан хулоса чиқарувчи шифокорларни мақтаган. Гален мантиқий тафаккур принципларини билмаган олимларни қаттиқ танқид қилган. Ибн Сино болалигидаёқ мантиқни чуқур ўрганиб, юқорида билдирганимиздек, бу фан ривожига маълум даражада ҳисса қўшган. Ҳозирги даврда мантиқ тиббиёт фанининг ривожи учун муҳим эхтиёжга айлангани бутун дунёга маълум. Назария ва амалий тиббиётда мантиқий ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп. Мантиқни тўлақонли билмаслик оқибатида турли хил чигалликлар, ташхис қўйишда хатолар камаймаяпти. Биз шулардан айримларига ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз. Ташхис амалиётида айният қонунига амал қилиш тушунчаларнинг конкретлиги ва аниқлигини талаб қилади. Тиббиётда шундай атамалар (терминлар) кўпки, улар кўпинча маълум даражада аниқ мазмунга эга эмас ва ўзбошимчалик билан уларнинг мазмуни тез-тез ўзгартирилади. Масалан, кардиопатия, гематопатия, дифференциаллашмаган коллагеноз, диэнцефал синдром, дистиреоз, умумий атеросклероз, тонзиллокардиал синдром, миопатоз каби кенг қўлланилаётган атамаларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Клиник тиббиётнинг бундай атамаларга берилиши ташхисни мавҳум, ноаниқ, туманли қилади. Масалан, “Тонзиллокардиал синдром” ташхисида камида учта касаллик яшириниб ётибди. Улар клиник манзарасига кўра ўхшаш, аммо патогенези, кечиши, оқибатига кўра фарқ қиладиган 1) тонзиллоген нейроциркуляр дистония, 2) тонзиллогенно-миокардиодистрофия, 3) тонзилоген юқумли-аллергик миокардит ва ҳакозолар шулар жумласидандир. Ёки “сурункали пневмония” атамаси унинг саксондан ошиқ кўринишини ўз ичига олади. Бу ва бунга ўхшаш кўпгина атамалар тўғри классификация қилинишга муҳтождир. Шундай қилиб, айрим тиббий тушунчаларнинг сўздаги ифодасининг хилма-хиллиги туфайли ташхис қўйишда айният қонуни тез-тез бузилганлиги, яъни бир сўз турли касалликларни ифодалайди ва аксинча бир касаллик турли сўзларда ифодаланади. Бундай шароитда айният қонунини билиш жуда ҳам зарур.

Зиддият қонуни муҳокаманинг изчил бўлишини, зиддиятли, бир-бирини инкор қилувчи фикрларни бартараф қилишни талаб қилади. “Ниманидир бир вақтда ҳам тасдиқлаш, ҳам инкор қилиш мумкин эмас”, дейди Аристотель. Мантиқ қонунларини билмаслик оқибатида шифокор амалиётида зиддият қонунини бузиш тез-тез учраб туради. Мисол учун бир касаллик тарихидан парча келтирамиз: Касални клиникага йўллашда даволовчи врач ёзади: “Ташхис ноаниқ. Бир томондан касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари (оғриқларнинг характери ва такрорланиш даври, кескинлашиш мавсуми) 12-бармоқли ичак яраси борлигини кўрсатади. Бошқа томондан, касаллик авж олган даврда 2 рентгенолог томонидан 4 марта ўтказилган ренгеноскопия бу ташхисни асло тасдиқламаган. Ошқозонда рентгенологик ўзгаришлар йўқлиги “сурункали гастрит” борлигига қарши. Рентгенологнинг сўнгги хулосаси: “Ошқозон ва 12-бармоқли ичакнинг органик касалликлари аниқланмади. Клиник ва рентгенологик маълумотларнинг кескин мос келмагани учун касалга гастродуоденоскопия ташхиси қўйилди”. Шифокорнинг бу муҳокамаси ноаниқ ва зиддиятлидир. У 12 бармоқли ичак яраси касаллигини ҳам тан олади, ҳам инкор қилади. Бунинг устига сурункали гастрит борлигига йўл қўяди. Тиббий тафаккур амалиётида етарли асос қонуни бузилишига тез-тез дуч келамиз. Табиблар, фолбинлар... амалиёти натижалари аксарият ҳолатларда реал мантиқий асосланмаган таққослашга “далиллаштирилганлиги” учраб туради. Айниқса, дастлабки ташхисларда бу қонуннинг бузилиши кўп учрайди. Бундай ҳолатлар касал билан биринчи суҳбат ва кўрик асосида қўйилган ташхисларда кўпроқ учрайди. Бу ҳолат қўйилган ташхислар учун асло етарли эмас. Тўғри касалликларда етарли асослаш турличадир. Тери, тери ва кўзнинг айрим касалликларида врач кўриги етарли асос бера олади, иккинчиларида-лаборатория тадқиқотлари керак, учинчиларида-ташхиснинг махсус мураккаб методлари (масалан, сариқда функцион биопсия) талаб қилинади. Баъзан синдроми - ўхшаш патология ва инкор қилишнинг ўзи (масалан, гипертонияда) етарли асосдир. Шундай қилиб, мантиқ қонунларига амал қилиш шифокорни тўғри фикрлашга, тўғри ва ҳақиқий ташхис қўйишга олиб келади. Мантиқ қонунлари шифокор муҳокамасининг барча босқичида амал қилади. Тушунча тўғри фикрлаш ва тўғри тушунишда дастлабки асосдир. Тушунча ҳақида мантиқ таълимотини билиш илмий тадқиқот учун ҳам, даволаш учун ҳам жуда зарур. Мантиқ тушунчаларнинг аниқ мазмунини талаб қилади. Ноаниқ атамаларда ҳар хил касаллик, унинг у ёки бу белгилари яшириниб ётиши мумкин. Шуни айтиш керакки, кўпгина юқумли касалликларнинг манзараси ўзгармоқда, уларни дарсликларда ўргатувчи турли касалликлар бўйича тушунчалар эса кўп ҳолларда ўзгармасдан қолмоқда. Демак, ҳозирги замон тиббиёти ютуқлари акс этган тушунча, атамаларни шифокорлар доимий равишда ўзлаштириб боришлари янада долзарбдир ва бунинг учун мантиқий фикрлаш ҳамда уларни таҳлил қилиш қобилиятларининг ошиб бориши замон талабидир.

***Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистонда умуман олганда фалсафа ва унинг таркибий объекти сифатида бўлган мантиқ фани борасидаги тадқиқатларнинг асосий, истиқболли йўналишлари, бир томондан, жаҳон фалсафаси ривожланиши тенденцияларига мос келиши, иккинчи томондан эса ватанимиз фалсафаси реал имконият, манфаатлари ва эхтиёжига ҳам мос келишини таъминлаш, фалсафада ҳозирда бўлаётган ўзгаришларнинг лейтмотиви биринчи навбатда мантиқийлик нуқтаи назаридан инсон ва инсонпарварлик, ҳамда табиат, замонавий технологиялар, шунингдек, тиббиёт таълими соҳасининг ҳам кенг қўлланиши лозим бўлган муаммосидир ва шундай бўлиб қолаётганлиги реал воқелик эканлигига эътиборни қаратмоқ лозимдир.***

**Ўрол АБИЛОВ**
**Тошкент тиббиёт академияси ижтимоий фанлар кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори.**

СОҒЛОМ АВЛОД – ВАТАН КЕЛАЖАГИ



**Кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган комплекс ва тизимли дастурлар халқимиз саломатлигини таъминлашда жуда катта қадам бўлди. Тизимнинг ҳар бир йўналишида замонавий ёндашувлар асосида фаолиятлар кенг йўлга қўйилмоқда. Айниқса, давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида ижобий ишларнинг амалга оширилаётганлиги албатта, миллатимиз келажаги бўлган она ва бола саломатлигини асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, ота-она учун энг катта бахт - фарзанд саломатлигидир.**

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИ БУ – МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Шундай экан, давлатимиз томонидан болажонларимиз саломатлигини асраш йўлида амалга оширилаётган фаолиятларга назар ташлайдиган бўлсак, бу борада диққатга молик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги фаолиятлар ҳам бундан мустасно эмас. Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказимизда ҳам болажонларимиз саломатлиги йўлида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шифо масканимизда беморлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Тажрибали шифокор ва ҳамшираларимиз томонидан вилоятимиз миқёсида 400 минг нафардан зиёд болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда. Айтишим жоизки, биргина 2022 йилда 19 турдаги 48 та аппаратлар харид қилинган бўлса, 2023 йил 1-мавсумида 1 миллиард 200 миллион сўмлик 18 турдаги 30 дона тиббий технологиялар олиб келинди. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, хорижий давлатларда амалга ошириб келинган мураккаб тиббий амалиётларни юртимиз тиббий марказларида амалга ошириш тизими жорий этилди ва бу жараён йилдан-йилга ривожланмоқда. Ўтган йилларда бирмунча мураккаб тиббий амалиётларни хусусан, туғма диафрагмал чурралар, ўпка, жигар эхинакок кисталари, ўсмирлар геникологик касалликларини лапароскопик кам инвазив усулда бартараф этиш, урологик пиелоуретеропласикалар, эндоскопик адено-тонзилэктомиялар, хейлопластикалар, қўл-оёқ кафт ва бармоқларини туғма ривожланиш нуқсонларини, куйишдан кейинги чандиқли контрактураларни аутодермапластикаси, туғма ва орттирилган гидроцефалия касалликларини шунтлаш амалиётлари хорижда ва республика илмий марказларида ўтказиш учун халқимиз кўплаб сарсонгарчиликларга дуч келган бўлса, бугун ана шу муаммолар бартараф этилди.

2020-2022 йиллар давомида марказнинг 3 йиллик фаолияти таҳлил қилинганда, йил сайин марказга ихтисослашган тиббий ёрдам учун мурожаатлар сони ортаётганлигини кўриш мумкин. Бундан беморларимиз сони ошиб боряпти деган хулоса чиқармаслигимиз керак. Чунки бир тарафдан аҳоли сони ошмоқда, иккинчидан эса юқорида таъкидлаб ўтганимдек, моддий ресурслар, юқори диангностик технологиялар ва замонавий даволаш усуллари кўпайиб бормоқда. Янги туғилган чақалоқлар, болалар ва ўсмирлар орасида туғма ҳамда орттирилган касалликлар диагностикаси, терапияси ва реаблитациясининг юқори технологик усуллари жорий этилмоқда. Ҳозирда марказда туғма ва ортирилган нуқсони бўлган болаларда реконструктив тиклаш амалиётларини ўтказиш йўлга қўйилган. 2022 йил якуни билан юрак туғма нуқсонлари билан диспансер назоратга олинган 200 нафардан зиёд болаларнинг 51 нафарида юқори технологик кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Шундан 9 нафари вилоятимизда, қолган амалиётлар Республика болалар миллий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг кардиохирургия бўлими ва академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказларида бажарилди. Жорий йилда марказимизда болалар хирургик, травматологик, юз-жарроҳлик йўналишларида 10 турдан ортиқ кам инвазив ва юқори технологик амалиётлар республикамиздаги тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда ўтказилди. Ҳозирга қадар марказ ходимлари томонидан мустақил равишда травматологик-ортопедик, юз-жағ жарроҳлиги, хирургия ва урология йўналишларида 100 га яқин юқори технологик кам инвазив амалиётлар муваффақиятли бажарилди. Эндиликда кардиохирургик, гематоонкологик беморларга илк бора суяк кўмигини кўчириб ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш мақсад қилинган. Бунинг моддий ресурслари ва технологик томони ишлаб чиқилмоқда. Шифохонамизда даволаш жараёнига инновацион, юқори технологик усулларни татбиқ қилиш мақсадида касбий малакани ошириш тизими йўлга қўйилган. Хусусан, Республика болалар миллий тиббиёт марказида бир нафар врач отоларинголог "Бурун ва бурун ёндош касалликларида эндо-риноскопик усулларни қўллаш", бир нафар врач реаниматолог "Болалар реанимациясида инновацион технологиялар", бир нафар врач анестезиолог "Болаларда ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилигини юқори технологик усуллар билан даволаш" мавзуларида ва икки нафар ҳамшира "Стационарда ҳамширалик иши" ва "Болалар анестезиологиясида инновацион технологиялар" мавзуларида амалий кўникмаларини оширишди. Шунингдек, 3 нафар жарроҳ ва бир нафар уролог Тошкент Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида, 1 нафар травматолог ортопед врач Россия Федерациясининг Курган шаҳрида марказимиз бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ўқитилди. Жорий йилнинг 6 ойи давомида марказимизда юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож беморларни даволаш ҳамда диагнозига аниқлик киритиш мақсадида Республика марказлари билан 15 маротабадан ортиқ ҳамда марказимиз ва туманлар билан 22 маротаба телемедицина орқали консилиумлар ўтказилган.



Ўтган йилларга эътибор қаратсак, республика тиббиёт марказларида соатлаб навбат кутишлар бўлар эди. Ҳозирда эса марказимизнинг барча бўлимларида Республика тиббий марказлари билан электрон тизим йўлга қўйилган. Техномед онлайн дастури асосида масофадан ишлаш имкони яратилган. Бундан ташқари республика тиббиёт марказлари билан мунтазам хайрия акцияси ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, марказимизда Тошкент "Sino Profissional" клиникаси кардиожарроҳлари иштирокида 2023 йилнинг 19-20 май кунлари 50дан ортиқ юрак туғма нуқсони билан оғриган болалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. Жорий йилнинг 22-27 май кунлари болаларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ўтказилган "Эзгулик манзили" тиббий хайрия акцияси давомида Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникаси ҳамда марказимизнинг тажрибали мутахассислари томонидан 450 нафарга яқин бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, 74 нафар болада юқори технологик амалиётлар бажарилди. Яқинда 26 июнь куни Республика Болалар миллий тиббиёт маркази кардиохирурглари билан биргаликда 100 нафарга яқин юрак туғма нуқсони билан оғриган беморларда очиқ ва ёпиқ усулда бепул кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказиш мақсадида ихтисослашган тиббий кўрикдан ўтказдик.

Марказнинг моддий таъминоти, хусусан, дори-дармон билан таъминлаш 85-90 фоизни, қаттиқ-юмшоқ жиҳозлар билан таъминлаш юз фоизни ташкил килади. Озиқ-овқат ва кир ювиш хизматлари аутсорсинг асосида йўлга қўйилган. Бизда шундай тизим борки, марказимизда фаолият олиб бораётган малакали мутахассислар ўз мутахассисликлари бўйича шаҳар ва туманларга болалар бош мутахассислари сифатида бириктирилган. Бу, албатта, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳудудларда болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифат-самарадорлигини оширишга қаратилган. Бу ҳақда гапирар эканмиз, яқинда бир хайрли ишни амалга оширдик. Жорий йилнинг 12-14 июнь кунлари Ғозғон шаҳрида диспансер назоратида турган ва ногиронлиги бўлган 200 дан ортиқ болажонларни марказимизнинг малакали мутахассислари билан ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказдик ва соғломлаштириш чораларини белгилаб олдик. Шуни эътироф этмоқчиманки, кўпни кўрган халқимиз, имконияти бор кишилар марказимизга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келишмоқда. 15 ўринли гематология, онкология ва клиник иммунология бўлимида даволанаётган беморлар учун "Эзгу амал" нодавлат фонди томонидан гемофилия ва ўткир лейкоз хасталиги билан оғриган беморлар учун 51 миллион сўмлик дори-дармонлар тарқатилди ҳамда ушбу бўлимнинг мавжуд 7 палатаси ҳомийлик ҳисобидан 55 миллион сўмлик 7 та холодильник, 7 та телевизор, 7 та микравольновка ва 3 дона кондиционер ҳамда узлуксиз Vai-fai тизими билан таъминланди.

***Яратилаётган имкониятлар ва янгиликларнинг моҳиятида ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва навқирон авлодни тарбиялаш мужассам бўлиб, ана шу йўлда халқимизнинг бугунги кунидан розилигини, ҳаёти кундан-кунга яхшиланиб бораётганлигига эришиш муштарак мақсадимиз ҳисобланади. Ана шу жараёнда ҳар биримиз юксак масъулият ва фидойилик билан ёндашишимиз зарур.***

**Фарҳод ҚУРБОНОВ,**
**Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифали болалар жарроҳи.**

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ТИЗИМИ

**Маълумки, 2023 йил 1 июль кунидан бошлаб, Тошкент шаҳридаги барча даволаш профилактика муассасалари "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш" йўлга қўйилди. Шундай экан, Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг тиббиёт муассасаларида ҳам мазкур фаолият ўз ишини бошлади. Аввало, бу тизим бўйича бу борадаги фаолиятлар қандай йўлга қўйилганлиги тўғрисида фикрларимни билдириб ўтмоқчиман.**

# ИНСОН ҚАДРИ ВА САЛОМАТЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЗГУ МАҚСАДЛАР










Биринчи навбатда: бу янги тизимни жорий этилиши билан беморларни рўйхатга олиш, тиббий карта юритиш, уларни шифокорга йўналтириш, шифокор қабулига ёзилиш, рецепт ёзиш каби ишлар тўлиқ электрон шаклга ўтказилди. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети шакллантирилди. Ҳар бир тиббиёт муассасасига молиявий эркинлик берилиб, Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштиришнинг янги механизми яратилди. Сурункали касалликларни амбулатор даволаш учун дори воситаларини электрон рецепт асосида дорихоналар томонидан беморларга бепул бериш ва сарф-харажатларини қоплаш - реимбурсация тизими жорий этилади.

Таъкидлашим жоизки, Давлат тиббий суғурта тизимига ўтиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан: тиббиёт ходимлари даволаш стандартларига мувофиқ фаолият юритилиши таъминланди. 2023 йил бошидан туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 14 та тиббиёт муассасалари бир-кетин молиялаштириш тизимига ўтказилди. 192 та тиббий бригадалар ташкил этилди ва иш фаолияти белгилаб берилди. Поликлиникаларда 64 та «Шифокор кўриги олди» ташкил этилди. Олмазор туманидаги 1 та марказий кўп тармоқли поликлиника ва 10 та оилавий поликлиника 154 ўрин жойга эга 11 та кундузги шифохоналар, шунингдек, марказий кўптармоқли ва оилавий поликлиникаларда болалар ва "Аёллар маслаҳатхоналари" бўлимлари ташкил этилди. Шу ўринда айтиш муҳимки, мазкур тизимга ўтишда амалга ошириладиган ишлар қуйидагилардан иборат. Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети асосида туман ва шаҳар тиббиёт муассасаларида 10 та касаллик гуруҳлари ҳамда 7 та хизмат турлари бўйича аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ташкил этилади. Аҳолининг кафолатланган пакетга киритилган тиббий хизматлардан бепул фойдаланиш оилавий шифокорга мурожаат қилиш орқали амалга оширилади (шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно). Амбулатор даволаш учун дори воситаларини электрон рецепт асосида дорихоналар томонидан беморларга бепул бериш ҳамда дорихоналарнинг тегишли сарф-харажатларини қоплаш тизими (кейинги ўринларда-реимбурсация тизими) жорий этилади. Тиббий ходимларнинг орасида молиявий рақобатни кучайтириш мақсадида барча туманларда рейтинг тизими жорий қилинади. Жамғарма томонидан шифохоналарга ажратиладиган маблағларнинг 20 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сонидан келиб чиқиб тўланади. Бунинг баробарида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шаҳар шифохоналарида давлат тиббий суғуртаси механизмлари доирасида кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдам турлари қуйидагилар. Касаллик гуруҳлари қуйидагилар: Артериал гипертония, юрак ишемик, ўпканинг сурункали обструктив, қандли диабет, камқонлик, сурункали буйрак етишмовчилиги, ошқозон ичак касалликлари, туғруқлар, болалар касалликлари. Ижтимоий касалликлар (юқумли, туберкулёз, руҳий, онкологик, тери-таносил касалликлари) Шунингдек, хизмат турлари қуйидагилардан иборат: Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат, иммунизация/вакцинация, лаборатор ва инструментал ташхислаш, кундузги шифохонада даволаш, болалар ва ҳомиладорларни соғломлаштириш, сурункали касалликлар диспансер кузатуви, шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш. Юқоридаги изоҳлар яъни касаллик гуруҳлари** Соғлиқни сақлаш вазирлигига Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда мазкур рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ваколати берилади; Касаллик гуруҳлари ва хизмат турлари кўрсатиш ҳажмлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади. Амбулатор дори-дармонларни қоплаш лойиҳаси (реимбурсация)даги устувор йўналишлар: юрак-қон томир касалликлари, қандли диабетнинг 2 тури ва сурункали ўпка касалликлари.

Дастурдан асосан доимий (Д-ҳисобда) ҳисобда турувчи беморлар фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Айтиш лозимки, бепул тиббий хизмат ҳуқуқи –давлат томонидан кафолатланган бўлиб давлат кафолатлари дастурига мувофиқ ҳар бир фуқаро бепул тақдим этиладиган кафолатланган ҳажмда тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида кўрсатиб ўтилган.

Маълумки, фуқаролар оилавий ва шаҳар ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникалар, шифохона, кундузги стационар ва шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасаларида бепул даволанадилар.

Поликлиникада қуйидагилар бепул амалга оширилади. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизмат (профилактик кўриклар, скрининг текширувлари), диагностик ва лаборатор текширувлар (оила шифокорининг йўлланмасига асосан), диспансер кузатуви, вакцинация/иммунизация, шошилинч ва тез ёрдам, болалар ва ҳомиладорларни соғломлаштириш, кундузги стационарларда.

Стационарда диагностика ва лаборатор текширувлар, зарур тор соҳа мутахассислари консультацияси, даволаниш, дори воситалари ва тиббий буюмлар, операция ва муолажалар, реабилитация ва паллиатив хизмат вастационарда даволаниш ишлари олиб борилади. Кундузги стационардаэса диагностика ва лаборатор текширувлар, зарур тор соҳа мутахассислари консультацияси, даволаш, дори воситалари ва тиббий буюмлар ҳамда процедура ва муолажалар амалга оширилади.

Давлат тиббий суғурта тизимига ўтишда рақамлаштириш йўналишида қуйидаги ишлар амалга оширилди. Соғлиқни сақлаш тиббиёт муассасаларини юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига уланди, маҳаллий бюджет ҳисобидан кўп тармоқли ва оилавий поликлиникаларга 11 та муассасага локал тармоғи яратилди ҳамда 24 та термопринтер, 32 та электрон табло (ахборот панелли), 34 та моноблок харид қилинди, қўшимча 120 та моноблок Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан берилди. Онлайн патронаж учун 200 дона планшет ва телефонлар олинди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда "Компьютер саводхонлиги ва электрон соғлиқни сақлаш комплекс ахборот тизимидан фойдаланиш" бўйича ишлаб чиқилган ўқув курсида ўқиган 12 та IT-оператор-ҳамширалари олган билимлари асосида иш жойидаги шифокор ва ҳамшираларни компьютер саводхонлиги бўйича ўқитиш ишларини олиб боришмоқда.

Айни кунда Олмазор туман тиббиёт бирлашмасининг даволаш профилактика муассасаларида ҳозирги кунда ишлатилаётган дастурлар қуйидагилар. Жумладан, бирламчи тизимда MedHab поликлиника, Emlash.uz, MIS.SSV ордер олиш учун, Bemor.uz, Xatlov.uz, ssv.local туғилиш-ўлим тизими, АИС поликлиника ФЁА, ҳомиладор, sso.ssv.uz касаллик варақаси (больничный лист), Acsess патронаж дастурлари фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, шифохоналарда ҳам MIS.SSV ордер олиш учун, ssv.local туғилиш-ўлим тизими, АИС поликлиника ФЁА, ҳомиладор, sso.ssv.uz касаллик варақаси (больничный лист) доимий фаолиятда.

Маълумки, кафолатланган пакет давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар пакети (кейинги ўринларда-кафолатланган пакет) – аҳолига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдам.

Кафолатланган пакет бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда шифохоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади.

Кафолатланган бепул тиббий хизмат тиббий ходимлар томонидан клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

***Хулоса ўрнида айтомоқчиманки, Давлат тиббий суғурта тизимига ўтишнинг афзаллик томонлари шундаки, аҳоли сифатли тиббий хизмат олиш баробарида кенг қулайлик ва енгилликларга эга бўлади. Албатта, бу мақсадли вазифалар Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида ўз натижасини беришга ишончим комил.***

**Азизбек НИЗАМОВ.**
**Тошкент шаҳар, Олмазор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.**

№26 (1460)
2023 yil 13-iyul
O'zbekistonda sog'liqni saqlash
ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

## ХОТИРА



***Кунлар, кунлар кетидан, ойлар, ойлар кетидан эса йиллар сувдек ўтиб кетаверар экан. Лекин, ҳаёт эса давом этаверади. Умрчи? Умр ҳам тутқич бермасдан вақт ҳакам деганларидек, инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва умр давомида босиб ўтган йўлларини хотирага айлантирар экан. Бир иборани ёд олмоқни истадим. "Соатинг тиллодан бўлса ҳам ўтаётган вақтингни тўхтатиб қололмайди"... Зеро, ҳаётда шундай инсонлар борки, ҳаётда ҳам фаолиятда ҳам ҳурмати ва обрўсига эга бўлиб ўзидан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилади.***

# ТАЛАБЧАН, ШИЖОАТКОР ВА МЕҲНАТСЕВАР ИНСОН ЭДИ

Фаолиятим давомида ана шундай жамиятимиз равнақи ва халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилган кўплаб тиббиёт ходимларини биламан. Уларнинг кўпчилиги айни кунда орамизда йўқ... Агар бугун ҳаёт бўлганларида устозим Боситхон Охунжонов 100 ёшни қарши олар эдилар. Машҳур жарроҳ, олим, ташкилотчи, давлат арбоби Боситхон Али ота ўғиллари Боситхон Охунжонов 1923 йилнинг 19 июлида Тошкентнинг эски шаҳарида ишчи оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатиши билан II-жаҳон урушининг бошланишига тўғри келганлиги боис, кўнгилли бўлиб ҳарбий хизматга жўнатилган. Жанггоҳдан қайтгач, 1944 йилда Тошкент тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кириб, 1949 йилда уни муваффақиятли тугатгач, 1949-1952 йилларда шу институтнинг профессор Л. Василенко раҳбарлигидаги госпиталь хирургия кафедрасига аспирантурага ўқишга киради. Аспирантурани тугатгач, шу кафедрада ассистент вазифасида фаолият бошлайди. Боситхон Алиевич 1953-1961 йилларда давлат ташкилотдарида юқори лавозимларда меҳнат қилди. Устоздаги илмга бўлган иштиёқ, ташаббускорлик ва талабчанликни кўрган раҳбарият у кишини 1961 йилда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг директори лавозимига тайинлади. Шифо масканида Боситхон Охунжонов томонидан кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. 1963 йилда устоз "К вопросу Патогеноза острой кишечной непроходимости" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади ва худди шу йилгача марказда фаолият олиб борди. Боситхон Алиевич 1964 йилда катта илмий ходим, 1965 йилда доцент унвонига эга бўлди. 1964-1972 йилларда Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультети хирургия кафедрасининг доценти, 1972 йилда Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт институти очилиши муносабати билан ташкил этилган кафедрага мудир этиб тайинланди. Устоз янги кафедрада ҳам фаолиятини давом эттириб, ходимларга кенг имкониятлар яратган ҳолда ижобий ишларни амалга оширди. Илмий салоҳиятини давом эттирган Боситхон Охунжонов докторлик илмий ишини биринчи устози Л. Василенко ва Москвалик машҳур олим, академик Б. Петровский раҳбарлигида давом эттириб, 1979 йилда Москвада "Жигар циррозини тикловчи стимуляторлар қўллаш билан даволаш" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Олим раҳбарлигида унинг шогирдларидан уч нафари докторлик 24 нафари эса номзодлик диссертацияларини ёқлаб, республикамизнинг турли тиббиёт муассасаларида кафедра мудири, доцент ва бошқа илмий вазифаларда ишлашган ва айримлари ишлаб келмоқда. Шогирдларидан бири тиббиёт фанлари доктори Ширин Дадаевдир. Боситхон Алиевич шогирдини талабалигидан бўлимга санитар қилиб олган ва ўқишни битиргач, ўзларига шогирдликка танлаб, илмий ишларига раҳбарлик қилган ва фан доктори илмий унвонини олишга муносиб ҳиссасини қўшган. Ширин Дадаев, айни кунларда устози Боситхон Алиевични ибрат мактабини давом эттириб келмоқда. Устоз 19 йил раҳбарлик қилган кафедрада илмий жамоаси жигар циррозини ўткир панкреатити холецистит, ошқозон 12 бармоқли ичак яраси, йиринглли перитонит, қорин бўшлиғининг ёпиқ жароҳати, жарроҳлик амалиётидан кейин оғриқсизлантириш каби долзарб мавзулар устида илмий ишлар олиб борилган. Эътирофлиси шундаки, Боситхон Охунжоновдан бой илмий-амалий мерос қолган. Жумладан, факультет хирургияси кафедрасининг тўртинчи ва бешинчи курс талабалари учун илмий-амалий машғулотлар учун услубий тавсиялар, амалий машғулотлар учун урологиядан услубий тавсиялар, "Тиббий ходимлари ва беморлар бир-бирларига кулгу улашадилар" номли илмий-оммабоп китоби, врачлар ва талабалар учун ўнта услубий қўлланмалари. Шунингдек, 90 та илмий мақолалари журналларда шулардан 20 таси марказий журналларда чоп этилган. 1990-1992 йилларда жигар циррозини жарроҳлик йўли билан даволаш ҳақида 2 та монографияси ҳам нашр қилинган. Устознинг илмий, педагогик фаолияти Ўзбекистон тиббиётининг ривожига қўшган хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1990 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач" 1991 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" унвонларига сазовор бўлган.

*Энди эътиборингизни устозим Боситхон Охунжоновнинг фарзанди Марат Охунжонов ҳамда шогирди Ширин Дадаевларнинг устоз ва оталари тўғрисидаги билдирган фикрларига қаратмоқчиман.*

Боситхон Алиевичнинг фарзанди Марат Охунжонов Боситхонович айни кунларда Канадада яшайди. Яқинда юртимизга ташриф буюрганда, падари бузруквори тўғрисида ўзининг қуйидаги хотираларини гапириб ўтди.

Отам тўғриларида эслар эканман, улардаги талабчанлик, ҳақиқатпарварлик, тўғрисўзликлари, шунингдек, барчага бўлган ўта меҳрибонликлари қалбимда муҳрланиб қолган. Менинг инсон сифатида шаклланишимда отамнинг ҳиссалари катта бўлган. Отам иккинчи жаҳон урушидан қайтгач, Тошкент авиасозлар заводида иш бошлаган. Кейин Тошкент тиббиёт институтида ўқиб, аспирантура, кафедрада ассистент, доцент, кафедра мудири ва раҳбар вазифаларида астойдил фаолият юритиб, ютуқларининг барчасига сабр ва матонат билан эришган. Падари бузрукворимнинг жигар циррозини жарроҳлик йўли билан даволашда янгича ёндашиш Европа давлатлари, Япониялик олимларни қизиқтирган, уларни таклиф этишган. Отам илмий, маъмурий, муаллимлик ишлари билан ўта банд бўлишларига қарамай, жисмоний ҳаракатларни ҳам эсдан чиқармасдилар. Ҳовлимиздаги ўзлари танлаган анвойи гуллар, дарахтларни ўзлари парвариш қилар эдилар. Баъзида ишдан кейин ёшликдаги қийинчиликлари тирикчилик мақсадида қуён боққанлари, ҳарбий хизмат даврида кечган қизиқ воқеалар ҳақида сўзлаб берардилар. Урушдан олдинги, кейинги йиллардаги қийинчиликларини ўз бошларидан кечирган отам, менга ҳам ҳаётни севишни, қийинчиликларни енгишга, инсонларга ҳурмат билан муомала қилишни, онамни ардоқлаш каби ҳаёт мактабидан сабоқ берганлар. Мактабда ўқиб юрганимдан бир куни қўшни синфимизнинг рус тили ўқитувчиси, мени ёнига чақириб, сен Боситхон Алиевич ўғлимисан – деб сўради, ҳа деганимдан кейин, синфимиз болалари олдида "бунинг отаси мени оғир жигар хасталигидан жарроҳлик йўли билан ўлимдан қутқариб қолди!" дегани эсимда. Мен отам учун ғурурланиб кетдим. Шундан кейин мен ҳам отам касбини танлашга жазм қилдим...

**Ширин Дадаев тиббиёт фанлари доктори, профессор Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг хирургия кафедраси мудири:**



Боситхон Алиевич билан танишувимиз қизиқ бўлган. Мен институтнинг 3 курс талабаси эндигина ташкил этилган хирургия кафедрасига амалий машғулотга келганимизда Боситхон Алиевич мени четга чақириб, "Кафедранинг операция бўлимида фаррош бўлиб ишлайсанми?" деган саволларига ҳеч ўйламай "ҳа" деб жавоб берганман. Ўқишни тугатганимдан кейин мени бошқа жойга ишлашим учун йўлланма беришди. Бу ҳолдан хабар топган устозим, яна бир марта ҳаётимда катта бурилиш ясалишига сабабчи бўлганлар. Илмий иш қиласанми? деб сўраганларида мен рози бўлгач ўзлари ўша даврда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири вазифасида ишлаётган Қаюм Зоиров қабулига кириб, мени бошқа жойга эмас, ўзлари раҳбарлик қилаётган хирургия бўлимига ординаторликка йўлланма олиб чиққанлар. Менинг илмий фаолиятим шу тариқа бошланган. 1972-1973 йил ординатор, 1973-1976 йилларда аспирантура, 1976-1979 йил кафедрада ассистент вазифаларида ишлаганман. 1979 йилда устозим Боситхон Алиевич раҳбарлигида бажарилган "Сравнительная оценка открытых, длительных новокаиновых блокад рефлексогенных зон органов брюшной полости в после операционном периоде" мавзусида номзодлик диссертацияни ёқладим. Илмий ишни давом эттирдим. Бу даврда Боситхон Алиевич илмий изланишларни тўхтатмасликни изчиллик, сабр-тоқат билан ишлаш зарурлигини таъкидлаб, доимо ўз назоратларида ушлаб турардилар. Илмий ишимнинг муваффақиятли якунланишида Москвалик олим Ю. Нестеренконинг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Ниҳоят илмий изланиш якунига етди. 1991 йилда Москвада "Современные аспекты селективной, проксимальной ваготомии в хирургическом лечении язвенной болезни 12 перстной кишки" мавзусида докторлик диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлдим. Шу йили устозим Боситхон Алиевич нафақага чиқишлари муносабати билан уларнинг тавсияларига биноан мени шу кафедрага мудир этиб тайинлашди. Айтиш мумкинки, устозим мени Сирдарёдан келган оддий колхозчининг ўғлини, қўлимдан етаклаб фан чўққисига фан докторлиги даражасига олиб чиқдилар. Боситхон Алиевич муомалада жиддий ошиқча сўзларсиз, ходимларга ўта талабчан, талабаларга баҳо беришда бирдан-бир мезон – бунда талабанинг билими ўткир бўлиши керак дер эдилар. Маърузалари жонли, мазмунли, ҳамма тушунадиган оддий тилда бўлар эди. Ҳеч қачон маърза вақтида конспектдан фойдаланмаганлар. Шунинг учун бўлса керак маърузалари кенг аудиторияга эга бўлган. Шу ўринда айтмоқчиманки, халқимиз нақли билан айтилган "Устоз отангдек улуғ" деган пурмаъно ибора тўлалигича менга ҳам тегишли деб биламан. Талабалик врачлик, илмий ишлар билан шуғулланган давримда доимо оталарча меҳрибонлик қилиб, керак бўлганда қаттиқроқ гапириб йўлга солганлар. Боситхон Алиевич кафедрамизнинг нафақат ташкилотчиси, балки уни зарурий замонавий тиббий анжомлар (замон ўлчовида) билан жиҳозлашда ҳам хизматлари катта бўлган. Шу муносабат билан бир воқеани эслашни жоиз деб биламан. 1972 йилнинг июнь ойида Боситхон Алиевич билан кетаётганимизда 1 Марказий касалхонага яқин жойда ёнимизга қора "Чайка" машинаси келиб тўхтади. Унинг ҳайдовчиси Боситхон Алиевични чақирди. Машина олдига борсак Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов биз билан саломлашиб, нега кўнгироқ қилмайсиз, янги институтда кафедра ташкил этаётган экансиз, бирор асбоб–ускуна олишда ёрдам керак бўлса рўйхатини беринг, ёрдамлашаман", дедилар. Шунда устозим ходимлар билан маслаҳатлашиб, 90 та керакли тиббий асбоб-анжом рўйхатини тузиб, конвертга солиб, Шароф Рашидовнинг ҳайдовчиси қўлига топширганлар. Кўп ўтмай, хатда кўрсатилган зарурий тиббий асбоб-ускуналари Москвадан Республика омборига ҳам тушмай тўғри институтга келган. У даврда бундай совғани фақатгина орзу қилиш мумкин эди. Мен ҳаётимда шундай олийжаноб, меҳридарё, буюк олим устозга дуч келганимга Аллоҳга беадад шукрлар айтаман. Ул зотнинг муборак номлари ва хотиралари кўп сонли, миннатдор шогирдлари, шу жумладан, менинг қалбим тўридан ҳам доимий жой олган.

***Хулоса ўрнида айтишим жоизки, устозим Боситхон Охунжоновнинг ҳаёт ва фаолият йўлларига бир оз бўлсада, назар ташладик. Бундай қалби пок, севган касби йўлида фидойиларча меҳнат қилган ва ўзидан яхши ном қолдирган инсонлар қалбимизда мангу яшайдилар.***

**Йўлдош КАРИМОВ, меҳнат фахрийси.**
**Тошкент шаҳри.**

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОРУМ

**Недавно в Казани прошел четвертый Евразийский ортопедический форум — крупнейшее событие в сфере травматологии, ортопедии, регулирования и экономики здравоохранения. Площадку мероприятия за три дня посетили более 3000 докторов, фармацевтов, реабилитологов, инженеров, биотехнологов из России, стран СНГ, Азии, Европы и Ближнего Востока, еще 4000 специалистов принимали участие в форуме в онлайн-режиме. Глобальная выставка медицинских изделий и оборудования, деловая и научная программы, хирургические мастер-классы и подписание соглашений о сотрудничестве составили насыщенную программу ЕОФ-2023.**

# ПОДПИСАН МЕМОРАНДУМ О СОТРУДНИЧЕСТВЕ

## *в сфере травматологии и ортопедии*

На ЕОФ-2023 собрались специалисты из России, Германии, Франции, Казахстана, Турции, Китая, Таджикистана, Узбекистана, Кыргызстана, Беларуси, Венгрии, Индии и других стран. Докладчики и зрители также участвовали в форуме в режиме онлайн. Уже сейчас, после завершения форума, на официальном сайте ЕОФ-2023 можно посмотреть все доклады в записи — в общей сложности 320 часов трансляций клинического опыта, демонстрации практических навыков, дискуссий и образовательных лекций.

В течение трех дней форума на площадках деловой и научной программ спикеры представили 653 доклада. Заместитель главного травматолога Вооруженных сил РФ, ответственный секретарь оргкомитета ЕОФ, доктор медицинских наук, профессор Леонид Брижань отметил:

«Евразийская повестка, многополярность сейчас важна как никогда ранее. Это уже проявляется во всех сферах жизни. Я очень рад, что, организовав еще шесть лет назад Евразийский ортопедический форум, который в этом году прошел уже в четвертый раз, мы смогли точно уловить тренды настоящего времени. Развитие медицинской науки, и, в особенности, такой динамичной, как травматология и ортопедия, невозможно без глобального обмена опытом и совместных исследований. Прошедшие несколько дней показали, что мы все делаем правильно. Форум собирает специалистов из Азии, Европы и Америки, несмотря и даже вопреки сложившейся политической и экономической ситуации вокруг России».

Центральным событием ЕОФ-2023 стало пленарное заседание «Глобальные вызовы и перспективы развития травматологии и ортопедии», в котором приняли участие министр здравоохранения Республики Татарстан Марсель Миннуллин, заместитель министра здравоохранения РФ Сергей Глаголев, заместитель министра промышленности и торговли РФ Екатерина Приезжева, главный травматолог ДНР Олег Зерний, главный внештатный специалист травматолог-ортопед департамента здравоохранения города Москвы Вадим Дубров, депутат Государственного Совета Республики Татарстан VI созыва, владелец компании «ИВЦ «Анатомика» Альмир Михеев, заместитель директора AMTZ (Индия) Баливада Сантош Кумар, врач Фошаньской больницы ТКМ, профессор Лилиан Джао из Китая, директор промышленной площадки TST Полат Мехмет Оркун из Турции и другие уважаемые специалисты. Участники обсудили современные проблемы травматологии и ортопедии: импортозамещение, вопросы обеспечения оборудованием и кадрами в новых регионах России, международное сотрудничество.



Научная программа форума этого года была построена по анатомическому принципу: каждая секция рассказывала об отдельной анатомической зоне – стопе, колене, бедре, тазовой области, плече, предплечье, кисти, позвоночнике. Ряд дискуссия были посвящены травме как явлению, посттравматическим инфекциям, протезированию, боевым повреждениям конечностей, детской ортопедии, реабилитации и лечению новообразований костей, а также аддитивным технологиям в травматологии и ортопедии.

Расписание научной программы включало 64 сессии, 19 практических мастер-классов. Среди наиболее интересных секций научной программы участники отметили обсуждение вопросов хирургии боевых повреждений конечностей, круглые столы и дискуссии, посвященные нижней и верхней конечности, актуальным проблемам вертебрологии, эндопротезированию плечевого сустава.

В рамках форума прошли специализированные международные конференции: российско-турецкий лидер-курс по спинальной хирургии, российско-турецкая научная конференция по деформациям позвоночника, российско-китайская конференция по эндопротезированию, международная сессия ASAMI. По традиции для хирургов-травматологов-ортопедов были организованы мастер-классы, посвященные отработке практических навыков: семинар по политравме и травме таза от AO Trauma, мастер-классы по военно-полевой хирургии и хирургии стопы.

Не менее насыщенной была и деловая программа ЕОФ-2023, в рамках которой прошли более 20 сессий. Их основной проблематикой стала переориентация российского рынка медицинских изделий на импортоопережение и сотрудничество с новыми деловыми партнерами, а также обеспечение новых регионов России необходимым оборудованием, технологиями и медицинскими изделиями. В дискуссиях приняли участие специалисты Минздрава России, Минпромторга России, Росздравнадзора, Минздрава Республики Татарстан, руководители крупнейших национальных исследовательских медицинских центров травматологии и ортопедии, представители российских и зарубежных фармацевтических компаний, предприятий по производству медицинских изделий.

В рамках деловой программы были подписаны несколько стратегических соглашений. В частности, 23 июня на площадке ЕОФ Ассоциация травматологов – ортопедов России (АТОР) и представители Кыргызстана, Таджикистана, Казахстана, Турции, Индии, Китая пописали меморандум, к которому позже присоединятся травматологические ассоциации еще двух стран – Беларуси и Узбекистана. Соглашение затрагивает все сферы сотрудничества: от научных исследований до обмена клиническим опытом и совместной клинической работы. В этот же день ФГУП «ЦИТО» подписал два соглашения – с НМИЦ ТО им. академика Г. А. Илизарова и компанией «КАРБОНТЕКС». 24 июня представители АНО «ЕОФ» и Ассоциация реабилитационных средств в Хэбэй подставили подписи под меморандумом, который будет направлен на развитие совместной научно-исследовательской деятельности и обмен научным и практическим опытом в сфере травматологии и ортопедии.

Модераторами и докладчиками научной и деловой программ форума выступили ведущие российские специалисты: доктор медицинских наук, профессор Леонид Брижань, начальник Главного военного клинического госпиталя им. Н. Бурденко Денис Давыдов, заведующий отделением патологии позвоночника НМИЦ ТО им. Приорова, доктор медицинских наук Сергей Колесов, доктор медицинских наук, заведующий травматолого-ортопедическим отделением Центральной клинической больницы УДП РФ Сергей Гильфанов, доктор медицинских наук, профессор кафедры травматологии, ортопедии и военно-полевой хирургии РНИМУ им. Н.И. Пирогова Гурам Лазишвили, доктор медицинских наук, руководитель научно-практического центра опухолей костей и мягких тканей, член-корреспондент РАН Эльмар Мусаев, директор ФГУП «ЦИТО» Виктор Спектор, генеральный директор ФГАУ «Институт медицинских материалов» Минпромторга России Андрей Генералов, управляющий директор Агентства по техническому развитию Ирина Голуб и многие другие.

***Все дни форума в его павильонах работала выставка медицинских изделий и оборудования, в которой приняли участие более 90 компаний и организаций из разных стран мира. Попробовать в деле новое оборудование и научиться на нем работать желающие могли здесь же, в «Городе мастеров», где участники выставки проводили практические занятия все три дня.***

**Eoforum.ru.**

ЮРТИМИЗ ШИФОХОНАЛАРИДА

**Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қашқадарё филиалида 2 нафар беморда буйрак трансплантацияси муваффақиятли бажарилди.**

# БУЙРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Яккабоғлик 34 ёшли бемор аёл Қ.О. 2015 йилдан бери сурункали гломерулонефрит бўйича даволаниб келган. 2016 йилдан бери гемодиализ муолажалари олишга мажбур бўлган аёлга опасининг бир буйраги кўчириб ўтказилди. Нишонлик 33 ёшли бемор эркак П.А. эса йил бошидан бери гемодиализ сеансини олиб келар эди. Беморга акаси донорлик қилди. Айни пайтда иккала бемор ва донорларнинг аҳволи яхши. Кўчириб ўтказилган буйраклар



меъёрда ишлаяпти. Даво муолажалари стандарт асосида давом эттирилмоқда.

Операцияларни Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг вилоят филиали малакали жарроҳлари бажаришди. Шундай қилиб, Қашқадарёда амалга оширилган трансплантация операциялари сони 5 тага етди.

@ssvuz

ИСТЕЪДОД

# ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ БЎЛДИ

**Бирлашган Араб Амирлигида бўлиб ўтган 34-Халқаро Биология олимпиадаси (IBO-2023)да Ўзбекистон терма жамоаси 3 та бронза медалини қўлга киритди.**




Ана шу ғолиб ёшларимиз сафида Тошкент педиатрия тиббиёт институти академик лицейининг 2-курс ўқувчиси Муҳаммадиброҳим Эгамбердиев ҳам бор. БААнинг Ал-Айн шаҳрида бўлиб ўтган мазкур олимпиадада 80та мамлакатдан жами 310 нафар ўқувчи иштирок этди.

НОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ

**Исследование показывает, что миллионы людей подвержены риску инсульта из-за чрезмерных физических нагрузок. Индийские ученые создали модель того, как закупорки влияют на артерии шеи и могут вызвать инсульт. Новое исследование показывает, что миллионы людей подвержены риску инсульта, если они слишком усердно тренируются, пишет Daily Mail.**

# ОПАСНОСТЬ ЧРЕЗМЕРНЫХ ФИЗИЧЕСКИХ НАГРУЗОК *для миллионов людей*

*В тренировках лучше не переусердствовать из-за риска инсульта*



Исследователи обнаружили, что люди со стенозом сонной артерии, которым, по оценкам, в США страдают пять процентов населения страны, подвержены риску внезапного образования тромбов в головном мозге от таких простых занятий, как быстрая ходьба, плавание или даже зумба.

Во время интенсивных физических нагрузок бляшки в крупных артериях могут смещаться и попадать в мозг, где они блокируют кровеносный сосуд, вызывая инсульт. Это говорит о том, что целых 16,5 миллиона американцев, возможно, захотят воздержаться от полной отдачи во время тренировок, **отмечает Daily Mail.**

Как **поясняет издание**, стеноз сонной артерии – это состояние, при котором в сонных артериях скапливаются бляшки, сужающие пространство, по которому проходит кровь. Эти артерии проходят через шею и отвечают за доставку крови, содержащей жизненно важные питательные вещества и кислород, к мозгу и частям лица. Внезапное повышение кровяного давления, например, во время физических упражнений, может привести к смещению бляшек, что может спровоцировать инсульт. Цифры свидетельствуют о том, что за последние два десятилетия число американцев со стенозом сонной артерии резко возросло. В начале 2000-х годов, по оценкам, этим заболеванием страдало около двух миллионов американцев. Но сейчас клиника Кливленда утверждает, что этим заболеванием страдают около пяти процентов всех взрослых, или 16,5 миллиона человек. Ученые говорят, что избыточный вес или ожирение являются основным фактором риска развития этого заболевания. Малоподвижный образ жизни, диабет или курение также повышают чей-то риск. В исследовании, опубликованном на этой неделе **в журнале Physics of Fluids**, ученые построили компьютерную симуляцию одной из сонных артерий. Они смоделировали три сонные артерии: здоровую, одну с "легкой" 30-процентной закупоркой и одну с "тяжелой" 50-процентной закупоркой. Затем каждого из них подвергли индуцированной физической нагрузкой частоте сердечных сокращений в 140 ударов в минуту, чего можно достичь при быстрой ходьбе, езде на велосипеде и зумбе, а также при других занятиях для людей с ожирением.

Ученые обнаружили, что физические упражнения укрепляют здоровье здоровых и слегка закупоренных сонных артерий. Но для тех, у кого была серьезная закупорка, результаты были описаны как "вызывающие беспокойство". Модель показала нагрузку на область, которая повышала риск разрыва стеноза и попадания части бляшки в кровоток. Затем он может попасть в мозг и застрять в кровеносном сосуде внутри органа, блокируя подачу кислорода и вызывая инсульт. Доктор Сомнат Рой, инженер-механик из Индийского технологического института Харагпур за пределами Калькутты и ведущий автор исследования, сказал: "Интенсивные физические упражнения оказывают неблагоприятное воздействие на пациентов с умеренным или более высоким уровнем стеноза. Это существенно увеличивает напряжение сдвига в зоне стеноза, что может привести к разрыву стеноза. Затем эта разорвавшаяся бляшка может попасть в мозг и его кровоснабжение, вызывая ишемический инсульт".

**Ученые добавили в статье:** "В то время как стрессовые упражнения могут быть полезны для улучшения сердечной деятельности здоровых людей, то же самое может привести к крайне неблагоприятным последствиям при повышенной частоте сердечных сокращений из-за интенсивных физических нагрузок у пациентов с обширными закупорками артерий". Предыдущие исследования, включая анализ пациентов, перенесших инсульт в 2010 году, показали, что риск инсульта повышается как минимум в два раза после физической нагрузки. Метаанализ 13 000 инсультов в 2021 году в Европе также показал, что острый гнев, эмоциональное расстройство и тяжелые физические нагрузки были связаны с более высоким риском инсульта. **Авторы отметили,** что все это увеличивает частоту сердечных сокращений, повышая риск смещения бляшки и вызывая инсульт.

**Доктор Эндрю Смит, эпидемиолог из Национального университета Ирландии в Голуэе и руководитель этого исследования, отмечает:** "Мы считаем, что эти триггерные события могут увеличить частоту сердечных сокращений, повысить кровяное давление и привести к гормональным изменениям, которые изменяют кровоток в сосудистых руслах, таких как головной мозг, что может увеличить риск инсульта. Тем не менее, не каждый приступ гнева, эмоционального расстройства или тяжелой физической нагрузки приводит к инсульту. Аналогичным образом, не у каждого человека с высоким уровнем сердечно-сосудистых факторов риска будет инсульт". Ограничения последнего исследования заключались в том, что оно было моделью и может неточно отражать то, как события развивались бы в реальной жизни, подчеркивает Daily Mail.

**Эксперты предупредили, что модель, возможно, также переоценила скорость движения крови при повышенной частоте сердечных сокращений, что повлияло на результаты.**

**Андрей ЯШЛАВСКИЙ.**

**kp.ru**

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir
O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА
t.me/o'zbekistondasog'liqnisaqlash
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
**Амрилло ИНОЯТОВ**
Бош муҳаррир ўринбосари
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда " O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana"газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникакциялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
**Таҳририят манзили:** 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41уйТел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
**2 босма табоқ**.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 750 дона.
Буюртма рақами Г-735.

Босмахонага топширилиш вақти: 21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.